Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 18 июнь • Шанба • № 46 (14207) • تركستان • TURKİSTAN • Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII сон қарорига мувофиқ:

1. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1000 сўм-купонга бир «Сўм» нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «Сўм» муомалага киритилсин.

2. Миллий валютани жорий этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Нақд пулларни алмаштиришга ҳамда пул муомаласига оид барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал қилиш комиссия зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «Сўм» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 «Сўм» бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 «Тийин» бўлган металл тангалар ҳолида нақд пул муомаласига чиқарилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Сўм» қонуний тўлов воситаси ҳисобланади;

«Сўм»лар ва «Тийин»лар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб варақларига қўшиб қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта — «Сўм» билан бир қаторда эркин муомаладаги валютадан тўлов воситаси сифатида белгиланган тартибда фойдаланишга рухсат берилади.

5. Сўм-купонларни алмаштириш учун аҳолига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва миллий валютага шошмасдан ўтишни таъминлаш мақсадида:

— Ўзбекистон Республикасининг банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб сўм-купонларни муомалага чиқаришни тўхтатсинлар;

— 1994 йилнинг 1 августига қадар барча турдаги тўловларга, шунингдек фуқароларнинг омонатларига ва Ўзбекистон Республикаси доирасида пул ўтказиш учун миллий валюта билан бир қаторда 1000 сўм-купонга 1 «Сўм» нисбати билан ҳеч қандай чекловларсиз сўм-купонларни қабул қилишга рухсат берилсин. Аҳолига хизмат кўрсатаётган республиканинг барча савдо ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари мазкур банднинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Сўм» билан сўм-купон баббаравар муомалада бўлган даврда сўм-купонларга товарлар сотишдан ва хизмат кўрсатишдан бош тортганлик учун айбдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортсинлар.

6. Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» ва республиканинг бошқа банклари 1994 йил 28 июндан 5 июлгача 1994 йил июнь ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақи, шунингдек 1994 йил июль ойи учун пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар «Сўм» билан берилишини таъминласинлар.

7. Республиканинг вакил қилинган банклари 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб тегишли пунктлар орқали эркин муомаладаги валютани Ўзбекистон Республикасининг «Сўм»ларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган курс бўйича чекловларсиз алмаштириб берилишини таъминласинлар.

8. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг барча хўжалик юритувчи субъектлари ва банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатда ҳисоб варақларидаги, омонатлардаги ва мажбуриятлардаги маблағларни, шунингдек иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа тўловларнинг миқдорларини 1 «Сўм»: 1000 сўм-купон нисбати билан қайтадан ҳисоблаб чиқсинлар.

9. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турлари фақат миллий валюта — «Сўм» билан амалга оширилишини эътиборга олиб, аҳолига 1994 йилнинг 1 августига қадар қолган сўм-купонларни омонатларга чекловларсиз қўйиш тавсия этилсин.

Жамғарма тармоғига эга бўлган «Ўзжамғармабанк» ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йил 1 августидан бошлаб сўм-купонларни омонатларга қабул қилишни тўхтатсинлар.

10. Жамғарма тармоғига эга бўлган «Ўзжамғармабанк» ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йилнинг 1 сентябрига қадар аҳолининг омонатлар бўйича шахсий ҳисоб варақларидаги операцияларни фақат ҳисобкитоб чеклари, чек дафтарчалари ёки омонатчиларнинг топшириқлари бўйича ўтказиш йўли билан амалга оширсинлар, 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб эса омонатчиларнинг хоҳишига кўра «Сўм»лар ва «Тийин»лар билан берсинлар.

11. Миллий валютани жорий этиш механизми бўйича Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ишлаб чиққан норматив ҳужжатлар маъқуллансин.

12. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчилик шакларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнат ҳақини тўлашга бериладиган маблағларни давлат йўли билан тартибга солиш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида бунинг учун зарур йўриқномаларни хўжалик юритувчи субъектларга етказсин.

13. Миллий валюта — «Сўм»ни жорий этиш ҳамда муомалада бўлган сўм-купонларни белгиланган муддатларда йиғиштириб олиш борасидаги ишларнинг ташкил этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки зиммасига юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1994 йил, 16 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 16 ИЮНДАГИ ФАРМОНИГА ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ «СЎМ»НИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ

ТАРКИБИ

Муталов А. М. — Бош вазир, комиссия раиси
Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари, комиссия раисининг муовини
Муллажонов Ф. М. — Марказий банк Бошқаруви раиси, комиссия раиси муовини
Усмонов М. З. — Бош вазир ўринбосари
Шарифхўжаев М. Ш. — Бош вазир ўринбосари
Алматов З. А. — ички ишлар вазири
Гатаулин Ш. Қ. — Давлат солиқ қўмитасининг раиси
Раҳимов К. Р. — алоқа вазири
Умурзоқов Б. Х. — ижтимоий таъминот вазири
Абдуғаниев Б. А. — «Ўзбекбирлашув» Бошқаруви раиси
Азимов Р. С. — ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бошқаруви раиси
Аҳадов А. А. — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» Бошқаруви раиси
Ибодов А. И. — «Ўзсаноатқурилишбанк» Бошқаруви раиси
Муҳитдинов Н. Ф. — «Ўзжамғармабанк» Бошқаруви раиси
Файзиев З. А. — «Ўзбексавдо» уюшмаси раиси
Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпания раиси
Обидов О. О. — меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари
Голишев В. А. — «Ўздавнистиқболстат» раисининг биринчи ўринбосари
Иноятов Р. Р. — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари
Ҳазраткулов М. Х. — ЎзА Бош директори
Каримов Р. — Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт бўлимининг мудири

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл таклифига биноан 1994 йил 23—24 июнь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлади.

Ўзбекистон халқи ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилади, деб умид билдиради.

(ЎзА).

Президент туркиялик журналистларни қабул қилди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 23 июнь куни расмий давлат ташрифи билан Туркия Республикасига боради. Ана шу ташриф муносабати билан 17 июнь куни «Буюк ипак йўли» ҳиссадорлик жамияти раиси Эрфон Куртўғли раҳбарлигидаги бир гуруҳ Туркия журналистлари Президент Ислом Каримов қабулида бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари «Сабоҳ», «Туркия» рўзномалари, «Ипак йўли» журнали, АТВ, ТГРТ, «Канал Е» телекомпаниялари мухбирларининг Туркия—Ўзбекистон муносабатлари ривожи, ташриф мақсадлари, қадимий Ипак йўлининг истиқболи ва бошқа мавзулардаги саволларига батафсил жавоблар берди.

— Туркияга ташрифдан мақсад ўзаро муносабатларни янги, янада юқори босқичга кўтаришдир,— деди Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан.— Ана шу ниятда биз Туркия раҳбарияти, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашамиз. Улар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида музокаралар олиб борамиз. Ташриф давомида тегишли ҳужжатлар имзоланади. Бу ҳужжатлар қадимдан қондош ва жондош икки халқ орзу интилишларини ифодалаши табиий.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ТЎЛДИРИШ, ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласини барқарорлаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш, экспорт самарадорлигини ошириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг харид қобилияти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

республика истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш дастури;

пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари;

Ўзбекистон Республикасининг экспорт самарадорлигини ошириш дастури.

2. 1994 йилда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмларини қўшимча равишда кўпайтириш бўйича вазирликлар, идоралар, уюшмалар, бирлашмалар ва корхоналарнинг таклифлари қабул қилинсин.

3. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда хорижий фирмалар билан тузиладиган шартномалар бўйича тўлов муддатини ўн икки ойи сўриб, консигнация (воситачилик) асосида 60 миллион АҚШ доллари миқдорида республикага озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш учун маблағларнинг манбаларини излаб топсин.

Молия вазирлиги ва «Ўзулгуржибиржасавдо» «Ўзбексавдо» уюшмасига республика ташқарисидан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳукуматлараро битимлар бўйича клиринг ҳисобкитоб варақларига тушадиган маблағлар ҳисобидан Россия Федерациясининг 50 миллиард рублини (ҳар ой 10 миллиард рублдан) ажратиб берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари меъёрланган маҳсулот сотиш борасида ўрнатилган тартиб ҳамда чакана савдо билан шуғулланувчи барча юридик шахслардан солиқ ундириб олиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тушиши юзасидан белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминласин. Солиқларни тўлаш қоидаларини бузганлик ёки уни тўлашдан бўйин товлаганлик каби ҳар бир факт бўйича материаллар Прокуратура органларига топширилсин.

Республика Бош прокурорига келиб тушган материаллар ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминлаш, тизим ходимларининг бу борадаги шахсий жавобгарлигини ошириш таклиф этилсин.

6. Солиқ идоралари ходимларининг ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари давлат бюджети ҳамда маҳаллий бюджетга солиқлар тушишига оид мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита боғлиқ қилиб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси икки ҳафта муддат ичида юқорида кўрсатилган тоифадаги ходимларни сақлашга кетадиган харажатларни пул билан таъминлаш тартибини белгилаб, солиқларнинг кўзда тутилган тушумлари бажарилмаган тақдирда уларни қисқартиришни назарда тутсинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклларидан ва кимга бўйсунишдан қатъи назар, ҳар бир корхона, ташкилот ҳамда муассаса:

асосий фаолият бўйича операцияларни амалга ошириш учун фақат битта хизмат кўрсатувчи банкда ҳисоб-китоб (жорий) ва бюджет ҳисоб варағини очиши мумкин;

республика ҳудудидаги банкларда валюта ҳисоб варақаларини очиш чоғида корхона бир ҳафта муддат ичида тегишли солиқ идораларига шу ҳақда ахборот бериши шарт.

Солиқ идоралари солиқ органини хабардор қилмасдан ҳисоб (жорий, валюта, ссуда, депозит ва бошқа) варақалари очиш ҳолатларини аниқлаган тақдирда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

8. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг чет эл банкларида белгиланган тартибда рухсат этилмаган хорижий валюта сақлашлари валюта тушумини яшириш деб ҳисоблансин.

Валюта тушумларини чет эл банкларидан яшириш фактлари аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси яширилган валюта маблағларининг жами миқдорини олиб қўйиш ва хорижий валюта билан, хорижий валюта етишмаганда эса, фойдани яшириш факти аниқланган кунидаги Марказий банк курси бўйича миллий валюта билан худди шунча миқдордаги маблағни жарима тариқасида республика бюджетига ўтказиб, молиявий жазо чораси қўлласин.

9. Давлат мулки объектларини сотиб олиш чоралари хусусийлаштириладиган мулкнинг сотиб олинадиган улушидан камида 30 фоизини дастлабки бадал тарзида тўлаш шарти билан тўлов муддатини узайтириш бир йилгача чеклансин.

10. Республиканинг устивор соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия тузилсин. Идоралараро комиссия зиммасига: бир ҳафта муддат ичида комиссия тўғрисидаги Низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

харажатлар қопланишини юксак даражада таъминлайдиган ҳамда республиканинг экспорт имкониятини кенгайтиришга ва истеъмол бозорини тўлдиришга қаратилган биринчи галдаги инвестиция лойиҳаларини рўйхатини бир ой муддат ичида аниқлаш ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши учун тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги 88-сон қарорининг фермерлар, кичик корхоналар, кооперативлар нақд пулга кичик ҳажмли техника, минерал ўғит ва уруғлик сотиб олишлари учун уларга кредитлар бериш ҳақидаги 11-бандининг амал қилиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳукумат илгари қабул қилган қарорларни ушбу қарор билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафталик муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари зиммасига юклатилсин. Мазкур қарор қандай амалга оширилиши йилнинг ҳар чорагида республика ҳукумати мажлисида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси экспорт имкониятини кучайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Кўп валюта берадиган экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштиришни таъминлайдиган корхоналарнинг соҳасини ўзгартириш, уларни техника ва технология билан қайта жиҳозлаш орқали экспортга йўналтирилган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш хорижий сармояларни кенг кўламда жалб этган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим устивор йўналиши деб белгилансин.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт товарлари (ишлари, хизматлари) камида 30 фоизни ташкил этадиган барча корхоналар даромад солиғини амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган миқдорда тўлайдилар.

3. Корхоналар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) экспорт ҳажмларини ўстиришдан олган эркин муомаладаги валюта тушуми даромад солиғини тўлашдан ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига мажбурий равишда сотишдан озод қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки, илм-фан асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва машина-техника маҳсулотини экспорт қилишдан олинадиган ҳамда экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга сарфланадиган эркин муомаладаги валюта тушуми Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига мажбурий равишда сотишдан тўла ҳажмда озод қилинади.

5. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар эркин муомаладаги валютага экспорт қиладиган товарлардан олинадиган божларнинг амалдаги муваққат миқдорлари 50 фоиз камайтирилсин.

6. Эркин муомаладаги валютага сотиладиган экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун корхоналарга кредитлар беришнинг имтиёзли тартиби жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой муддат ичида имтиёзли кредитлар бериш шартларини белгилаб, бундай кредитлар фақат экспорт бўйича идоралараро комиссиянинг хулосасига биноан берилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда солиқ солишда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар муносабати билан бир ой муддат ичида бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоб тартибини ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиб, қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ва норматив ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритишга доир таклифларни тайёрласин.

10. Мазкур Фармон 1994 йилнинг 1 июлидан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оилаларга давлат йўли билан мадад беришни кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида:

1. 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдамининг амалдаги тизими ўрнига қуйидаги нафақа турларидан иборат ягона тизим жорий этилсин:

16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақа; бола туғилганда энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида бир йўла бериладиган нафақа;

бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақа.

2. Белгилаб қўйилсинки, барча оилаларга улардаги болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик нафақалар тўланади:

бир болали оилага энг кам иш ҳақининг 10 фоизи;

икки болали оилага энг кам иш ҳақининг 20 фоизи;

уч ва тўрт болали оилага энг кам иш ҳақининг 40 фоизи;

беш ва ундан ортиқ болали оилага энг кам иш ҳақининг 50 фоизи.

3. Қуйидагилар пул билан таъминлашнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақалар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;

бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа учун — ижтимоий суғурта маблағлари;

бола икки ёшга етгунча уни парваришлашга оналар учун бериладиган ҳар ойлик нафақалар: ишловчи оналар учун — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари; ишламайдиган оналар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, корхоналар ва ташкилотларга:

мавжуд маблағлар доирасида болали оилаларга бериладиган нафақаларнинг белгиланган турларига қўшимча пул ва қўшимча имтиёзлар белгилаш, ушбу мақсадлар учун ижтимоий жамғарма маблағларидан тўлароқ фойдаланиш;

жамоат, ҳайрия ташкилотларининг ҳар хил ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жамиятда инсонпарварлик, хайр-эҳсон ва раҳм-шафқат ғояларини ёйишга кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 16 июнь.

БОЛАЛАРГА АМАЛДА ТЎЛАНАЁТГАН ВА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН НАФАҚА ТУРЛАРИ ҲАМДА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб болали оилаларга давлат тарафидан бериладиган ижтимоий ёрдамнинг Ягона тизими жорий этилади. Янги тизим болаларга бериладиган нафақа турларига ҳам, марказий ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган давлат ёрдами миқдорларига ҳам мукаммал ва объектив тарзда ёндошишни назарда тутади.

16 ёшга тўлмаган болаларга бериладиган ойлик нафақа мамлакатдаги барча фарзандли оилаларга ҳеч бир истисносиз тўланади. Илгари ҳар бир болага ойига ўрта ҳисобда 286 сўм-купон тўлаб келинган бўлса, эндиликда 7000 сўм-купон тўланади, яъни нафақа миқдори салкам 25 баробар кўпаяди.

Оилага тўланадиган нафақа миқдори болалар сонига қараб ўзгаради ва:

— бир болали оилага 7000 сўм-купонни;
— икки болали оилага 14000 сўм-купонни;
— уч-тўрт болали оилага 28000 сўм-купонни;
— беш ва ундан кўпроқ болали оилага 35000 сўм-купонни ташкил этади.

Табиийки, энг оз иш ҳақи миқдори оша борган сари оилага бериладиган нафақа миқдори ҳам мувофиқ равишда кўпайиб бораверади. Умуман, болаларга нафақа тўлаш учун мамлакат бўйича ҳар ойда бюджетдан қарийб 70 миллиард сўм-купон, бир йил ҳисобидан эса, тақрибан 840 миллиард сўм-купон маблағ ажратилади.

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа сақлаб қолинди ва республикада бўлган энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида, яъни 140000 сўм-купон этиб белгиланди. Ижтимоий суғурта жамғармаларидан бериладиган бу хил тўловлар учун ҳар ойда 7,7 миллиард сўм-купон, йил мобайнида эса 92 миллиард сўм-купон маблағ сарфланади.

Чақалоқ парваришн билан банд оналарга нафақа тўлаш тартиби ҳам ўзгаради. Илгари оналарга бола 1,5 ёшга етгунча нафақа тўланган бўлса, эндиликда бу муддат 2 йилга қадар узайтирилади. Натижада қўшимча тарзда 310 минг она нафақанинг янги турини олади, чақалоқ парваришн учун нафақа оладиган аёлларнинг умумий сони эса 1 миллион 235 минг кишини ташкил этади. Чақалоқ парвариши учун амалдаги нафақа миқдори 319 сўм-купондан 14000 сўм-купонгача, яъни қарийб 44 карра кўпаяди. Нафақанинг бу тури учун бюджет ва корхоналар маблағларидан ҳар ойда 17,3 миллиард сўм-купон, йил давомида эса 208 миллиард сўм-купон ажратилади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, амалдаги нафақалар ўрнига уларнинг янги турлари ва миқдорларини жорий этиш учун бир йилда ҳозирги вақтдаги 130 миллиард сўм-купон ўрнига 1 триллион 123 миллиард сўм-купонга яқин маблағ талаб этилади, яъни нафақа тўлови миқдори 9 каррагача ошади.

Албатта, бундай катта маблағларни топиб бериш осон иш эмас. Лекин оилаларга ёрдам бериш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш ва камолотга етказиш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш мақсадида мамлакат ҳукумати ушбу мақсадлар учун маблағ ахтариб топишни зарур деб ҳисоблади. Шу билан бирга, мамлакат Президентининг Фармони билан ҳокимликларга, корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларга болали оилалар ва оналарга ижтимоий мадад бериш учун қўшимча манбаларни излаб топиш, хайрия ташкилотларининг фаолиятини кенгроқ ривожлантириш тавсия этилди.

РЕСПУБЛИКАДА БОЛАЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН АМАЛДАГИ ВА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН НАФАҚА ТУРЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ҚИЁСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Нафақа турлари	Амалдаги схема	Жорий этилаётган схема	Неча баравар	Пул таъминоти манбалари
1. Болаларга тўланадиган ҳар ойлик нафақалар				Бюджет
— 1 болага ўрта ҳисобда (сўм-купон)	286	7029	24,6	
— 1 оилага ўрта ҳисобда (сўм-купон)	874	21469	24,6	
— барча болаларга (барча оилалар) (млн. сўм-купон)	2790,07	68571,3	24,6	
2. 1,5 (2) ёшгача болани парваришлаш учун ҳар ойлик нафақалар				Бюджет, корхоналар маблағи
— бир онага ўрта ҳисобда (сўм-купон)	319 (1,5 ёш)	14000 (2 ёш)	43,9	
— барча оналарга (млн. сўм-купон)	295,33	17281,6	58,5	
3. Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа				Ижтимоий суғурта жамғармаси
— 1 болага ўрта ҳисобда, бир ойга (сўм-купон)	11667	11667		
— барча болаларга тўланадиган жами маблағлар, бир ойга (млн. сўм-купон)	7700,2	7700,2		
4. Нафақаларнинг барча турлари бўйича сарфланадиган жами маблағлар:				
— ойига (млн. сўм-купон)	10785,6	93553,1	8,6	
— йилига (млрд. сўм-купон)	129,6	1122,6	8,6	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Азиз шифокорлар!
Муҳтарам тиббиёт ходимлари!

Сизларни анъанавий касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тараққиёти, унинг буюк келажаги, порлоқ истиқболи бевосита сиз, азизларнинг ақл-заковатингизга, меҳнатингизга, фидойилигингиз ва меҳр-мурувватингизга ҳам боғлиқ. Зеро, халқимизнинг буюк яратувчилик қудрати жисмоний ва ақлан соғломлик билан чамбарчас боғлиқ. Республикамизнинг тиббиёти ривожланган, халқи соғлом юрт бўлиши сизнинг зиммангизга улкан масъулият юкламоқда.

Бугунги Ўзбекистон тиббиёти жаҳон табобат илми назарияси ва амалиётида муносиб ўрин эгаллаган, дунё тажрибаларини бойитиб бораётган ғоят кенг тармоқли соҳа. Айни пайтда у халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш, ақлан ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш билан бирга Абу Али ибн Сино, Шарафуддин Илоқий, Нажибуддин Самарқандий сингари жаҳон тан олган улуғ боболаримиз ишини давом эттириб, она-юртимиз шуҳратини оламга ёймоқда.

Азиз дўстлар!
Улкан хонадонимиз — Ўзбекистондай шонли ва шавкатли Ватанимиз халқи соғлиғи учун ҳамма имкониятларни ишга солиб, ўз касбингизни шарафлашингизга ишончим комил. Байрамингиз нишонланаётган ушбу муборак кунда сизларни яна бир бор қутлар эканман, жонажон мамлакатимиз истиқболи йўлида қилаётган фидокорона меҳнатингизни юксак қадрлайман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик, бахт-саодат, эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Тарихий воқеа арафасида турибмиз

16 июнь куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамаси билан Олий Кенгаш Раёсатининг қўшма мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш, мамлакат ички истеъмол бозорини зарур моллар билан тўлдириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг республика экспорт имкониятларини ошириш борасидаги вазифалари ҳамда болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги тизими ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Мустақил, фуқаролари тўқ ва фаровон ҳаёт кечирадиган давлат барпо этишнинг асосий шарти — юксак тараққий этган, мустаҳкам иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир, — деди Президент. — Республикада амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг, иқтисодий ислоҳотнинг ҳам асл мақсади ана шунга қаратилган. Мустақил иқтисодиёт эса мамлакатда харид кучи, қуввати, қадри юксак бўлган миллий валюта амал қилишини тақозо этади. Қолаверса, миллий валюта байроқ, тўғро, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқ рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир!

Биз миллий пулимизни жорий этишга узоқ вақтдан бери ҳозирлик кўриб келамиз. Хорижий давлатларнинг, Ҳамдўстлик мамлакатларининг бу борадаги тажрибасини мутахассисларимиз пухта ўрганди. Миллий валютага ўтишнинг биринчи босқичида «сўм-купон»ларни муомалага киритиб, синаб кўрдик, тажриба орттирдик. Унинг ёрдамида айрим иқтисодий масалаларни ҳал этдик. Энди ҳақиқий миллий валюта — сўмга ўтишнинг вақти-соати етди, деди Президент.

Маълумки, янги пул чиқариш билангина улкан мақсадларга эришиб бўлмайди. Зеро, пулимизнинг харид қуввати, жаҳон миқёсидаги мавқеи юксак бўлиши учун ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқ лозим. Бу истеъмол бозорининг тўкинлигига эришиш, экспорт ва импорт нисбатини мусбат ҳолга келтириш, яъни республиканинг маҳсулотларни четга сотиш имкониятини кескин ошириш, айниқса, мамлакатда молия, кредит сиёсатини такомиллаштириш, жамиятнинг эҳтиёжманд табақаларини, жумладан, фарзанд тарбиялаётган оилаларни ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофаза қилишни талаб этади.

Мажлисда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, Ў. Султонов, меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари О. Обидов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот берди.

Миллий валюта — сўмга ўтишнинг муддатлари, тартиби, у билан боғлиқ масалалар юзасидан республика ҳукумати кўраётган чоратадбирлар, болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизими батафсил муҳокама қилиниб маъқулланди.

Ҳар қандай давлатнинг инсонпарварлиги, жамиятнинг маънавияти аёллар ва болаларга бўлган муносабати билан ўлчанади, деб таъкидлади Президент. Шу маънода болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизими мукаммаллиги, уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан улкан аҳамият касб этади. Қисқа қилиб айтганда, 16 ёшгача бўлган биронта бола давлат ғамхўрлигидан бебаҳра қолмайди. Бу мақсад учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳозиргига қараганда бир неча баробар ортади.

Мустақил Ўзбекистон халқи буюк воқеа арафасида турибди, — деди Президент Ислом Каримов пировардида. Биз иқтисодий мустақиллик йўлида яна бир улкан қадам ташлаяпмиз: ўз миллий пулимизга эга бўляпмиз. Аслини олганда — бу ҳам бир саодат. Биз буни теран ҳис этишимиз, миллий пулимизни янги туғилган фарзанд каби бағримизга босишимиз, у билан ғурурланишимиз, асраб-авайлашимиз, куч-қувватли, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.

Мажлисда республика Бош вазири А. Муталов, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Олий Кенгаш қўмиталари раислари, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, банк муассасаларининг раҳбарлари қатнашди.

(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси якунлари ва Президент Ислом Каримов нутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўлкада иқтисодий ислоҳотни ўтказишда муайян силжишларга эришилганини таъкидлаш билан бирга, асосий эътиборни қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, саноатни қишлоққа келтириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигига қаратди.

Сессияда Жоқарғи Кенес халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар, фуқароларнинг сайлов кафолатлари тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров сессияда сўзга чиқди.

(ЎзА).

"КЕЛАЖАК БИЗНИКИ"

дейишди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Ёшлар Олий институтида малака оширган бош етакчилар

Яқинда пойтахтдаги Ёшлар олий институтида вилоят болалар ва ўсмирлар уюшмаси раислари ва бош етакчиларининг бир ҳафталик малака ошириш сабоқлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этган йигит-қизлар туманларда олиб борилаётган ишлар, режалар хусусида мулоқот қилишди. Мухбиримиз сабоқнинг қай тарзда олиб борилгани, ёшларнинг бу борадаги таклиф ва истаклари, мулоҳазалари билан қизиқди. Қуйида ана шулар ҳақида ўқийсиз.

Гуландом ҒИЁСОВА, Бухоро вилояти Ромитан туман болалар ва ўсмирлар уюшмаси раиси, республика халқ маорифи аълочиси:

— 18 йилдирки, болалар билан ишлайман. Уларнинг орзу ўйлари, дардлари менга таниш. Афсуски, сўнгги йилларда бўлиб ўтган ўзгаришлар уюшмамизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. 1991 йил ноябрь ойида ўтган слетдан сўнг фаолиятимизда ўзгариш бўлди. Иш услубимизни тубдан ўзгартиришга муваффак бўлдик. Туманларда, мактабларда алоҳида уюшмалар ташкил этиб, уларни гуруҳларга бўлдик. Гуруҳ аъзолари хоҳиш-истакларига қараб, йўналишларга бўлинишди. Биз эса ўша йўналишлар бўйича ишни юритаяпмиз. "Она юрт", "Табиат ва инсон", "Меҳр-шафқат", "Меҳнат", "Экология", "Саломатлик" йўналишлари шулар жумласидан.

Туманимизда 14 минг 678 нафар уюшма аъзоси бор. Улар билан иш олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тажриба, билим ва укув бўлиши лозим. Афсуски, етакчиларимизнинг ҳаммаси ҳам укувли эмас. Нимадир етишмайди ёки жон куйдириш унга ёт. Шу жиҳатдан олиб қараганда бу ерда ташкил этилган ўқиш айни муддао бўлди. Мутахассислардан етарли даражада услубий ёрдам ололдик. Бу эса бизга жуда-жуда муҳим эди.

Айни кунларда ёзги таътил кунлари давом этмоқда. Бу борада бизда етарли тажриба бор. Оромгоҳларда хордиқ чиқараётган болаларнинг истак-хоҳишларини эътиборга олиб, биз дам олишни 12, 16, 18 кунликларга бўлганмиз. Натижа ёмон эмас. Ўтган йилги иш услубимиз буни исботлаб турибди.

Баҳром НАЖИМОВ, Қашқадарё вилояти Косон шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ёғоч ўймакорлиги тўгараги раҳбари:

— Ўқишимиз бир ҳафта давом этди. Бу жуда оз муддат. Тўғри, кўп нарсаларни ўрганишга, тажриба алмашишга улгурдик. Аммо кўп жиҳатларда вақтни қизғондик. Бизга қолса, яна 3-4 кун ишни давом эттирган бўлардик.

Ижодиёт марказимизда ўнлаб тўгараклар фаолият кўрсатди. Уларнинг ҳар бири муҳим. Болаларнинг тўгаракларга қизиқишининг ўзиёқ шундай йўналишда ҳам иш олиб бориш зарурлигини исботлаб турибди. Бугун болаларга келажагини ишониб топширган давлат эса ҳеч қачон ютқазмайди.

Равшан ХОЛБЕКОВ, Ёшлар Иттифоқи Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳар қўмитаси бўлим мудири:



— Ёшлар олий институтида ташкил этилган мазкур сабоқ менга маъқул келди. Жуда кўп нарсаларни ўргандик. Айниқса, жойларда тенгдошларимизнинг олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳикоялари катта таассурот қолдирди. Тўғри, қуруқ гап билан бирон нарсага эришиш мушкул. Аммо биз туманлардаги ишларнинг моҳиятини тушуна билдик. Уни ўзимизда қўллашимиз мумкин. Шу билан бирга шаҳримиздаги ишлардан ҳам кўпчиликни воқиф этдик. Ўйлайманки, биздаги ишлар ҳам тенгдошларимизни бефарқ қолдирмади.

Бу ерда Бухоро шаҳридаги аксарият мактабларда болалар ва ўсмирларнинг олиб бораётган ишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Қанийди, шунақа илғор, ташаббускор ёшлар кўпроқ бўлса. Иқтидорли болаларнинг тўпланганлиги эса иш юритишда жуда қўл келаётган экан. Шунингдек, пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ишлари ҳам маъқул. Марказда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. У ерда фаолият кўрсатаётган "Иқтидорли болалар клуби"дан кўп нарса ўрганиш мумкин. Биз вилоятга қайтгач, бу ерда олган таассуротларимиз билан ўртоқлашамиз ҳамда шаҳардаги ўқувчилар саройимизда қўллашга ҳаракат қиламиз.

Фозилжон БЕГМУРОДОВ, Наманган вилояти Норин туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази услубчиси:



— Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойида уюшмамизнинг Ёшлар Иттифоқи таркибига қўшилганлиги кўнгилдаги иш бўлди. Биз бир неча йилдан буен аросатда эдик. Ҳатто нима қилаётганимизни ҳам билмасдик. Бунинг устига буйруқбозлар шунақа кўпайиб кетдики, сиз сўраманг. Боз устига мактабларда иш жуда сусайиб қолган. Қўлланмаларнинг, зарур тавсияларнинг йўқлиги ишимизни орқага сураверади.

Хайрият, қурултойда бизни ҳам эслашди. Кўкрагимизга шамол тегди. Қурултой ўтгандан сўнг, худди шундай малака ошириш ўқуви зарур эди. Худди биз ўйлагандек бўлди. Ўқувга қуруқ қўл билан келмаганмиз. Ишларимиздан намуналар келтирдик: болалар бош кийимлари (пилотка), бўйинбоғ...

Маъруфжон ҒОЗИЕВ, Ёшлар Иттифоқи Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани қўмитаси котиби, болалар ва ўсмирлар уюшмаси кенгашининг раиси:



— Мутахассисларнинг хисоб-китобларига қараганда, республикамизда бир йилда 750 минг гўдак дунёга келар экан. Ёшлар аҳолининг ярмини ташкил этишини ҳам эътиборга оладиган бўлсак, биз катта кучмиз. Келажак бизники.

Ҳукуматимиз болалар ва ўсмирларнинг ўқиши, дам олиши, ишлаши учун катта ғамхўрликлар қилмоқда. Буни биз ҳис этиб турибмиз. "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармасининг фаолият кўрсатаётганлиги, "Истеъдод" жамғармасининг мавжудлиги — булар ҳаммаси ёшларимиз, уларнинг келажаги учун деб ўйлайман.

Тўғри, кейинги вақтларда ишимизда силжиш бўлмади. Бироз эътибор ҳам сусайди. Бу, айниқса, уюшманинг Ёшлар Иттифоқи тасарруфидан чиққандан сўнг яққол сезилди. Мактабларда болаларнинг эгаси бўлмай қолди. Улар нима билан шуғулланишини билишмайди. Ишда бошбошдоқлик юз берди.

Туманимизда олиб борилаётган ишлардан кўнглим тўқ. Қолаверса, Ёшлар Олий институтида олган тавсиялар, тажрибалар бу ун-эрта бўй кўрсатади, деган умиддаман.

Тоир ШЕРОВ, Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани болалар ва ўсмирлар уюшмаси ижодиёт маркази бўлим мудири:

— Болалар билан ишлаш қийин. Буни кўпчилик билади. Тан олиш керак, бу вазифани уддалаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ишчан, жонкуяр, ўз касбини сидқидилдан севганларгина улар қалбига йўл топа билади. Кўп холларда эса етакчиларга йўл-йўриқ кўрсата оладиган, тўғри маслаҳат берадиган мард топилмайди. Етакчиларда норматив ҳужжатлар бўлиши шарт. Биз маориф билан ишлаймиз. Аксарият ҳолатларда маорифчилар (кўнгилларига келмасину бу ҳақ гап) бизни тан олишмайди. Бизни иккинчи тоифага ажратиб қўйишади.

Туманда қиладиган ишларимиз кўп. Режалар ҳам бисёр. Шу кунларда эса ташвишларимиз ўн чандон ошган. Ахир ёзги таътил давом этмоқда. Болаларнинг нима билан шуғулланаётгани ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлмоғи лозим.

Фикрлар... улар хилма хил. Аммо ҳаммаси ўринли. Улардан тегишли хулоса қилиб олганларгина ютади.

Суҳбатни Муҳаммад АМИН ёзиб олди.



Тошлоқ туманидаги "Заркент" жамоа хўжалигининг "Янги йўл" бўлими пиллакорлари водийда биринчи бўлиб олий сара навли уруғлик пилла териш мавсумини бошлаб юбордилар. Бу ишга қарийб ярим асрдан буён пилла етиштириш билан машғул бўлган Турсунбой ота Юнусов оиласида уруғлик пиллани теришга киришилди. Бир қути ипак қурти уруғини парваришлаган оила аъзолари шу куни қабул пунктига 85 килограммдан зиёд олий навли уруғлик пилла териб топширди.

"Янги йўл" бўлими пиллакорлари элита уруғлик пилла навларини етиштириш тажриба мактабига эга. Жорий йилда эса пиллакорлар яна бир бор ўз яратувчанликларини амалда кўрсатишиб "Атлас", "Марғилон", "САН-8", "Нишонланган-1", "Нишонланган-2" сингари янги элита навларидан 116 қутисини парваришлаб сифатли уруғлик етиштиришга муваффақ бўлишди.

Пиллакорлар оиласи аъзолари Муҳаррам Юнусова ва Заҳро Ҳомидова ўз меҳнати маҳсулидан хурсанд.

Суратчи Ш. ОЛИМОВ (ЎзА).

БОҒИЗОҒОН ТЕРАКЗОРЛАРИ

Боғизоғондаги кўп ҳайрли ишлар туман ҳокими Мўмин Шерқуловнинг номи билан боғлиқ. Деҳқончиликнинг қадрига етадиган Мўмин ака бундан бир неча йиллар аввал Боғизоғонда ажойиб теракзор барпо эттирган эдилар. Теракларнинг олди фойдаланиш учун яроқли бўлди. Улар қирқилиб, зарурият учун ишлатилмоқда. Оиласи ночорларга берилмоқда. Ўрнига қайтадан яна терак экилмоқда. Ўн бир гектарлик теракзорга борсангиз, ойнаи жаҳонда кўрсатиладиган мафтункор ўрмонзорга бориб қолгандай ҳис қиласиз ўзингизни.

Бу ерда ўтган йили республика миқёсида семинар-кенгаш ҳам бўлган эди. Бир қанча раҳбарлар келиб, теракзорни кўришган, келажакни кўра билган раҳбарга миннатдорчилик билдиришганди. Бугунги кунда бу кишига бошқалар эмас, боғизоғонликлар миннатдорчилик билдиришяпти. Ахир қурилиш материалларининг қанчалик муаммолигини улар ҳам билишади.

Ота-боболаримиз фарзанд дунёга келганда, унга атаб терак экишган. Ўша фарзанд вояга етганда, уй қуришга тераклар ишлатилган. Кўп яхши удумларни унутаёздик. Хайриятки, яна ёдга тушди.

Эртага—тиббиёт ходимлари куни

ҲЕЧ КИМСА "ВОЙ" ДЕМАСИН

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини Равшан СУЛТОНОВ билан суҳбат

—Равшан Тўлаганович, шундай касб эгалари борки, улар йилда бир марта келадиган касб байрамларини ҳам уйда, дўстлари даврасида бемалол ўтказа олмайдилар. Тиббиёт ходимлари ана шундай заҳматкашлар сирасига киради. Бунинг боиси маълум: касаллик фурсат танламайди, фалокат оёқ остида; бемор эса муттасил қаровни талаб этади.Ушбу айём куни ҳамкасбларингизга қандай тилаклар билдиришни истардингиз?

— Тилакларим кўп. Аммо мен ҳозир барча ҳамкасбларимга соғлик-саломатлик тиламоқчиман. Ўйлайманки, ҳамкасбларимга бу таҳлит тилак билдиришим ҳеч кимни ажаблантирмайди. Чунки, бўзчи ёлбоққа ёлчимайди, деганларидек, ўз саломатлигини энг кам ўйлайдиган халқ — худди шу эртага ўз касб байрамини нишонлайдиган соғлиқни сақлаш ходимларининг ўзларидир. Йўқ, улар буни тушунмаганлари учун эмас, беморлар дарди билан андармон бўлиб, баъзан ўзларини унутиб қўйганликлари учун шундай деяпман. Ваҳоланки, ҳаммамизга саломатлик керак, ҳаммамиз саломатлик энг катта бойлик эканини яхши биламиз. Фақат ўзгалар бахти учун фидойилик бизнинг касб кишиларига она сутидек муқаддас. "Гиппократ қасами" билан тўйинганлиги учун баъзан ўз фароғатимизни унутиб қўямиз чоғи.

Касбимизнинг бошқа касблардан асосий фарқи ҳам аслида шунда. Ярим тунми, тонг саҳарми, қоқ пешинми, барибир — хоҳ уйда, хоҳ касалхонада — беморга малҳам бўлиш бизнинг бурчимиз; ҳар қанча оғир бўлмасин, қўлимизга теккан диплом билан елкамизга ортилган масъулиятдан бир зум бўлсин, ўзимизни четга тортишга ҳаққимиз йўқ. Буни байрам куни ишга чиқадиган шифокорларимиз ҳам, ва ўйлайманки, тиббиёт олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларимиз ҳам юракдан ҳис қилишади. Зеро, бурчга садоқат кўрсатибгина одамлар меҳрини қозониш мумкин.

— Қўлида диплом бўлмасада, бугун барча ўзини иқтисодчи, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Ҳамма ўзича тежамкор, ҳар ким ўзича ниманидир тежайди. Бироқ саломатлигига путур етган пайтда ҳеч ким пулнинг юзига қарамайди, уйдаги гиламини сотиб бўлса ҳам даволанишга ҳаракат қилади. Лекин дори-дармонларнинг тақчиллиги, айрим ҳолларда эса врачларнинг малакасизлиги кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди. Сиз бугун тиббиёт атрофида юзага келган ҳолатни қандай баҳолайсиз?

— Тиббиёт шундай соҳаки, у доимо ҳаракатда бўлади. Бир жойда қотиб қолиш бу соҳа учун ҳалокатдир. Агар эътибор қилсангиз, касаллик тури тобора кўпайиб бораётганини, бу эса тиббиёт ходимлари олдига янги-янги муаммоларни қўяётганини кўрасиз.

—Ҳа, дори-дармон етишмаётгани рост. Ҳа, малака даражаси замон талабларидан ортда қолганлиги ҳам бор гап. Лекин мавжуд ютуқлардан кўз юммаган ҳолда айтиш лозимки, ҳозир биз дуч келаётган қийинчилик ва нуқсонларнинг ўқ илдизи "қизил салтанат" ҳукм сурган йиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳа, биз дориларни четдан олишга ўрганиб қолгандик, биз минг кишига ҳисоблаганда энг кўп врачга эга бўлмоқчи эдик. Бу бемаъни боқимандаликни, яна ҳам тўғрироғи, кимларнингдир қўлига қарам бўлиб қолганлигимизни ва сон кетидан қувиб, сифатни унутаёзганимизни энди тушуниб турибмиз.

Энди, аминманки, ҳаммаси бошқача бўлади. Биз бу йўлда дастлабки ислоҳотларни амалга ошира бошладик. Яқинда, хабарингиз бор, Тошкент шаҳар "Фармация" ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат "Дори-дармон" акционерлик бирлашмасига айлантирилди. Бу нима дегани? Бу дегани шуки, эндиликда мудирларимиз ўз дорихоналарида кўпроқ дори бўлишидан ва улар беморларга тезроқ етиб боришидан манфаатдордирлар. Ҳаракат ҳам шунга яраша бўлади: давлат йўли билан келтирилаётган дори-дармонлар ёнига акционерлик бирлашмасининг турли ташкилотлар ва воситачилар билан ҳамкорликда келтирган дори-дармонлар қўшилади. Бундан эса, пировард натижада халқ манфаат кўради, ҳар хил шубҳали кишилардан чайқов баҳосида, устига устак яроқлилиги кафолатланмаган дориларни сотиб олишдан халос бўлади.

Хусусийлаштириш касалхоналарни, ва айтиш мумкинки, амбулатория ва поликлиникаларни ҳам четлаб ўтмайди. албатта. Хусусий корхона сифатли, харидорталаб маҳсулот ишлаб чиқариш билангина ўзини синаш хавфидан сақлангани каби, хусусий касалхоналар ҳам малакали хизмат кўрсатибгина яшаб қолади. Акс ҳолда, у ерга ҳеч ким мурожаат этмай қўяди. Бинобарин, врач ўз устида ишлашга, тинимсиз малака орттиришга мажбур бўлади.

— Бу сўзларингиз билан айрим ҳамкасбларингизнинг юрагига ғулғула солиб қўймаяпсизми?

— Юрагига ғулғула тушганлардан қўрқмаса ҳам бўлади. Бундайлар одатда ҳаётга тик қарайдиган, ҳақиқатгўй, мард кишилар бўлишади.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг жамиятда кайфиятлар бошқача бўлиши керак. Шунча касалхона қурдик, шунча врач тайёрладик, деб мақтанадиган даврлар ўтиб кетди. Энди биз инсонлар саломатлигига хизмат қиладиган муассасалар — стадионлар, сув ҳавзалари, дам олиш уйларию пансионатларимиз, сайлгоҳу сайёҳлик йўналишларимиз билан фахрланишга ўрганишимиз лозим. Очиқ ҳавода кўп юрган, бадантарбия билан мунтазам шуғулланган, турли қизиқарли ўйинлардан завқлана биладиган одамларнинг, ишончим комилки, бизга мурожаат қилишга вақтлари ҳам бўлмайди.

— Ўзбекистон дунёда "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилган ягона мамлакат. Бундан фақат фахрланишимиз, қувонишимиз лозим. Лекин, айни вақтда, бу орден биз катталарни, айниқса тиббиёт ходимларини огоҳлантираётгандек, мавжуд муаммоларга эътиборимизни қаратаётгандек туюлади. Ана шу мўътабар мукофотга ҳар бир тиббиёт ходими даъвогар бўла олиши учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Авваламбор шундай орден таъсис этилишининг ўзиёқ биз қандай мамлакатда яшаётганимизни кўрсатиб турибди. Аждодлари анъаналарини ардоқлайдиган, келажаги буюклигига ишонган одамлар яшайдиган мамлакатдагина бугун бизга насиб этгани каби эзгу ишлар амалга оширилади. "Соғлом авлод учун" ордени ана шу улуғвор йўналишга хизмат қилувчи омилларнинг бири. Ва бу халқ саломатлигини муҳофаза этиш умумдавлат сиёсатига айланганлигининг исботидир. Буни қарангки, уч йил ичида Россияда ўртача умр кўриш 69,6 ёшдан 66 ёшга тушгани ҳолда бизда бу рақам 69,3 ёшни ташкил қилмоқда. Ҳаммасидан ҳам мени ғўдаклар ўртасида ўлим ҳоллари камайгани қувонтиради. Шу ўринда оналар ўртасида ўлим сал кам икки бараварга қисқарганини таъкидлашни истардим.

Мен бу рақамларни беҳудага келтирмадим. Маълумки, соғлом онадангина соғлом бола дунёга келади. Тиббиёт олий даражадаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлса-ю, болалар нимжон туғилса ва бир умр аллақандай нуқсонлардан азоб чекиб яшаса, оилалар чинакам бахтиёр бўла оладими, мамлакатни ишониб уларга топшириб бўладими?

"Соғлом авлод учун" ордени билан шу номда давлат дастури ҳам қабул қилингани бежиз эмас. Биз, мен юқорида зикр этиб ўтганимдек, ишни фарзанд кўриш мумкин бўлган аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишдан бошладик. Бундайлар республикамизда 5 миллиондан зиёдроқни ташкил этади. Ўйлайманки, бу кўрик ҳар икки томон — шифокорлар учун ҳам, аёллар учун ҳам фойдали бўлади. Бугун қанча аёл соғлому, қанчаси даволанишга ва фарзанд кўришга лойиқ эканлиги тўғрисида етарли маълумотга эгамиз. Аммо биз шартли равишда учинчи тоифага киритган шундай аёллар ҳам борки, оғир, сурункали касаллик уларга фарзанд кўришни тавсия этмаслигини айтишга мажбур қилади бизни. Наинки, улардан неғадир давлат жабр чекиши керак!

Ўзбекларда "оз бўлсину — соз бўлсин" деган ажойиб нақл бор. Зеро, ҳар бир оила ўз имкониятига қараб фарзанд кўргани маъқул. Соғлиғи кўтарса ва уларни зориқтирмай вояга етказа олишга кўзи етса, майли, ўнта фарзанд кўрсин. Лекин беш қўл баравар эмас. Биз бу ҳақиқатдан ҳеч қачон кўз юммаслигимиз, эҳтиёжи бор нарсаларнигина қилишга ўрганишимиз керак.

Шу маънода ҳар бир врач "Соғлом авлод учун " орденига ўзича даъвогардир, айни вақтда, менинг билишимча, ҳамкасбларимнинг аксарияти мукофот учунгина ишламайди. Улар учун энг катта мукофот, бу беморларнинг раҳмати, яна ҳам тўғрироғи, камроқ беморнинг ёрдам сўраб мурожаат қилишидир.

— Охирги савол. Ибн Сино даврида бўлганидек, вақти келиб Ўзбекистон яна тиббиёт марказларидан бирига айланишига ишонасизми?

— Оққан дарё оқмай қолмас, деган гап бор халқимизда. Истиқлолга эришганимизга ҳали ҳеч қанча вақт бўлмай, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, кўтаринки руҳ, янада яхшироқ ишлашга бўлган иштиёқ шундай ишонч билдиришимизга асос беради. Шукрки, одамларни анчайин гангитган ҳар хил экстрасенслар, бир кечадаёқ табибга айланиб қолган товламачилар "саҳна ортига" ўтиб кетишди. Аммо айни вақтда, Шарқ табобатига кенг йўл очиб қўйилганини таъкидлашим лозим. Хусусан, Семашко номли илмий текшириш ва 2-Тошкент давлат медицина институтларида ана шу масалалар билан фаол шуғулланилаётир. Бундан ташқари, Корея, Япония ва Хитой каби қатор шарқ мамлакатларидан таклиф қилинган врачлар халқимизга яқиндан хизмат қилмоқдаларким, бу ҳам бизнинг Шарқ табобатига муносабатимизни яққол кўрсатади.

Лекин бизнинг асосий мақсадимиз шифохоналарни қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, мутахассислар малакасини ошириш ва эртанги талабларга ҳам жавоб бера оладиган тиббиётчиларнинг янги авлодини вояга етказишдир. Ўйлайманки, бугун тиббиёт институтларида ўқиётган талабалар бу талабларга жавоб бера оладиган билимларни эгаллаётирлар ва умид қиламанки, улар бизга қараганда анча яхши шароитларда ўз беморларини даволаш имкониятига эга бўладилар.

Айтишим лозимки, булар қуруқ гаплар эмас. Ҳозир врачларни қийнаётган ва баъзан уларнинг қўлини калта қилиб қўяётган муаммолар келгуси авлодда бўлмайди. Бу, бирламчи, дори муаммосидир. Яқин уч-тўрт йил ичида Ўзбекистонда бу масала тўла равишда ижобий ҳал қилинади. Шу ўринда мамлакатимизнинг турли вилоятларида турли давлатлар билан ҳамкорликда фармацевтика корхоналари қурилаётганини, бу соҳада янги-янги шериклар билан шартномалар тузилаётганини ҳам айтишим лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда кўплаб шифобахш сув манбалари мавжуд бўлиб, яқин келажакда у ерларда ҳар жиҳатдан етук санаторий ва дам олиш уйлари ишга тушади. Шундай кунлар келадики, одамларимизнинг даво излаб ўзга мамлакатларга боришига асло ҳожат қолмайди.

Биз шундай ниятлар билан яшаяпмиз. Бир сўз билан айтганда, эртадан умидимиз катта. Касб байрамимизни ҳам ана шундай умидлар билан кутиб олаётганимиздан бахтиёрдирмиз.

Зайниддин РИХСИЕВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: Қарши шаҳридаги болалар стамотология марказий шифохонаси врачи,1-тоифали жарроҳ-стоматолог Хўжамурод Каримов ҳамкасблари даврасида.

Ш. Шаропов сурати.

Бухоро шаҳридаги И. Фозилов номли трикотаж фабрикасининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, нафақат бухороликлар, балки бутун жумҳуриятимиз аҳолисига манзур бўлмоқда. Сабаби оддий фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, яъни кийим-кечаклар бошқа фабрика маҳсулотларидан тубдан фарқ қилиб, сифатлилиги ва ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада эканлиги билан ажралиб туради.

Фабрикада асосан эркаклар, аёллар ва болалар ички кийимларининг 10 дан ортиқ тури тикилади. Бу фабрика кийимларининг харидоргир бўлишида 3-цех илғор тикувчиси Матлабхон Қаҳҳорованинг хизматлари беқиёс. У ўзига топширилган ойлик режаларини 115-120 фоизга ошириб бажариб, жамоа орасида катта ҳурматга сазовор бўлмоқда. Суратда сиз илғор тикувчи Матлабхонни иш устида кўриб турибсиз.

Сурат муаллифи: Ҳ. ҚУРБОНОВ.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

"САРГАРДОНЛИКДА" 47 ЙИЛ

. НЕМИС хат ташувчилари аслида аниқ ишлашади. Лекин гоҳо-гоҳо улар ишида ҳам... Бунга сабаб манзилгоҳлар ёзилишидаги чалкашликлардир. Масалан, қўшни Австриянинг Нойкирхен-ам-Вальд шаҳарчасида яшовчи аёлга 47 йилдан сўнггина унинг номига ёзилган хатни тутқазишди. Бу хат 1947 йилда АҚШ ҳарбий маъмурлари томонидан ёзилган бўлиб, унда Германиянинг истило қилинган ҳудудида амриқолик аскарлар асирликка олган ҳарбийдан тинтув пайтида чиққан 162 рейхсмарка унинг хотинига жўнатилганлиги маълум қилинганди.

Хатнинг бунчалик "саргардон" бўлишига сабаб манзилгоҳнинг нотўғри ёзилиши — "Нойкирхен-ам-Вальд" ўрнига "Нойкирхен-фом-Вальд" деб ёзилган экан. Бу ҳам етмагандек унинг Австрияда эканлиги ҳам ёзилмаганди. Шунинг учун бу хат аввал ГФРнинг, сўнг ГДРнинг "Нойкирхен" номи билан аталувчи бутун қишлоқ ва шаҳарларини "кезиб чиқишига" тўғри келди. Бу даврда аёлнинг эри асирликдан ҳам қайтиб келган ва ўз ажали билан қазо қилган. Аёл эса қарилик гаштида эди.

ЧОЙЧАҚА БЕРИШДА ШОШИЛДИ

. БАРСЕЛОНАЛИК бир савдогар ошхонада овқатлангач, официантга чойчақа бермоқчи бўлди. Бироқ чўнтагида майда чақаси йўқлиги сабаб унга иккита лотерея билетини берган. Орадан бир неча кун ўтгач, лотерея ўйналган. Жадвални кўрган савдогар аттанглаб қолди. Чунки тортиқ қилган билетига бир неча минг доллар ютуқ чиққан эди. Ахир лотерея рақамларини ён дафтарига ёзиб олганди-да.

БИЗ ҚАНЧАМИЗ?

. САЙЁРАМИЗ ҳудуди қанча? Унинг аҳолиси-чи? Бу саволларга БМТ ўз жавобини берган. Ер юзи аҳолиси 5 миллиард 292 миллион кишидан ошиб кетди. Аҳоли сони жиҳатидан Осиё биринчи ўринда туради. Яъни бу ерда 3 миллиард 133 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Иккинчи ўринда Амриқо — 713 миллион киши. Оврўпога эса учинчи ўрин насиб этган — 701 миллион нафар. Африкада 628 миллион киши истиқомат қилади.

Сайёрамизнинг умумий ҳудуди 135,8 миллион квадрат километр. Унинг энг кўп ҳудудини Осиё эгаллаган — 44,4 миллион кв. км. Амриқо — 42,1, Африка эса 30,3 миллион кв. км.ни ташкил этади.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

РОССИЯ Федерациясининг Чита вилоятида қурилаётган Харанор ГРЭСи ишчилари иш ташлаш қўмитасини туздилар. Маълумки, "Читаэнергострой" ҳиссадорлик жамияти ишчилари бир неча ойдан буён маош олмаётган эдилар. Қурувчиларнинг очлик эълон қилиши ҳам бирор натижа бермади. Иш ташлаш қўмитаси оммавий йиғин ўтказиш учун вилоят маъмуриятидан рухсат олди. Лекин раҳбарлар жиддий ташвишга тушиб қолдилар. Чунки, қурувчилар мамлакатни Хитой билан боғловчи темир йўлда поездлар ҳаракатини бульдозерлар ва юк машиналари ёрдамида тўхтатамиз, дея бир неча марта маъмуриятни огоҳлантирган эдилар.

***

АФҒОНИСТОН Республикаси пойтахти Қобул шаҳрида мамлакат Президенти Бурҳониддин Раббоний қўшинлари билан мухолифатдаги бош вазир Гулбиддин Ҳикматёрнинг жанговар қисмлари ўртасида шиддатли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Икки томон ҳам жангда авиацияни ишга солган. Айни пайтда президентнинг расмий вакили Абдул Азиз Мурод Бурҳониддин Раббоний 30 июнда тугаши керак бўлган ваколатни яна давом эттиришга қарор қилганини айтди. Бош вазир вакилининг баёнотига кўра эса, президентлик ваколатининг давом эттирилиши ҳарбий ҳаракатлар ҳали-бери тўхтамаслигини англатади.

***

СУВНИ тежаш Пекин ва унинг атрофидаги шаҳарларда яшовчи аҳолининг кундалик долзарб шиорига айланди. Радио, телевидение ва газеталар тинимсиз сувни тежаш ҳақида бонг урмоқда. Кинотеатрларда фильм намойишидан олдин шу ҳақда эълон эшиттириляпти. Чунки, 18 ойдан буён бу ерда дурустроқ ёғинсочин бўлмади. Шаҳар сув заҳираси эса чекланган, Пекин атрофидаги икки йирик сув омбори асосан ёғин-сочинлар ҳисобига тўлади. Мутахассислар фикрича, бундай қурғоқчилик юз йил давомида биринчи марта юз бермоқда.

***

БРАЗИЛИЯНИНГ йирик шаҳарларида мафия гуруҳлари ўртасидаги уруш кучайиб кетди. Айниқса, Сан-Паулу ва Рио-Де-Жанейрода тез-тез отишмалар юз бериб турибди. Сўнгги бир неча кун давомида 40 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. Риода наркотик моддалар олиб кетаётган мафия гуруҳига бошқа бир гуруҳ ҳужум қилиши натижасида 5 автомобиль ёндириб юборилган ва 12 киши ўлган. Сан-Паулунинг кичик бир даҳасида эса бирданига учта гуруҳ ўртасида чиққан низода 21 нафар мафия аъзоси ҳалок бўлди.

(ЎЗА).

ЧЕТ ЭЛГА БОРАСИЗМИ — СУҒУРТА ҚИЛДИРИНГ

"Арк суғурта гуруҳи" акционерлик жамияти Ўзбекистонда биринчи бўлиб хорижга кетаётганларга тиббиёт суғуртаси бўйича хизмат кўрсата бошлайди. Бунинг учун Швейцариянинг йирик "Эльвид" компанияси билан шартнома тузилди.

Журналистлар билан учрашувда акционерлик жамияти ходимлари уларга ҳаётни, саломатликни, фуқаролар ва корхона ҳамда ташкилотлар мулкини, юкларни, транспорт воситаларини, шунингдек кредитларни суғурта қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб беришди.

Бугунги кунда жамият мижозлари орасида Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Малайзия, Исроил, Россия давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари, хорижий фирмалар, жаҳон ва Оврупо банкларининг ваколатхоналари, республикамизнинг йирик корхоналари бор. Жаҳоннинг етакчи суғурта ва қайта суғурта қилувчи компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бугунги кунда Тошкент, Жиззах, Гулистон, Наманган, Боёвут, Янгийўл, Тўрткўл, Ангрен, Чирчиқ, Фарғона, Андижон ва Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида "хотиржамликнинг баҳоси йўқ" шиори остида ишлаётган "Арк суғурта гуруҳи"нинг агентликлари очилган.

(ЎзА мухбири).

ЁЗ БЎЙИ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Наманган шаҳридаги болалар уйининг 100 нафар тарбияланувчиси ёз бўйи дам олиш учун шаҳардан ташқаридаги лагерга жўнаб кетди. Аввалги йилларда болалар ёзги таътилнинг бир қисминигина лагерда ўтказарди. Уларга биринчи марта уч ой давомида табиат қўйнида дам олиш имконияти берилди. Барча ҳаражатларни касаба уюшмалари вилоят кенгаши ўз зиммасига олди.

Қариндош-уруғлар тарбиясидаги болалар ҳам эътибордан четда қолмади. "Соғлом авлод учун" республика жамғармасининг вилоят бўлими бундай болалардан 40 нафарига шаҳардан ташқаридаги лагерларда дам олиш учун текин йўлланма ажратди.

Республика болалар жамғармасининг вилоят бўлими ҳам болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишда ёрдам бермоқда. Бу тадбир уларга улар истиқомат қилаётган уйларда хизмат кўрсатиш дастури доирасида амалга оширилмоқда. Жамғарманинг Наманган бўлими ходимлари республикада биринчи бўлиб бу дастурни амалга оширишга киришдилар. Қариндошлари қўлида қолган болалар пухта тиббий кўрикдан ўтказилади. Заруратга қараб уларнинг санаторийларда дам олишлари учун имкониятлар яратилади.

(ЎзА мухбири).

Соғлом авлод учун

ОДАМЛАР, БЕҲУДА ЯШАМАНГ ДУНЁДА

- Паркентда спорт байрами.
- Раис ҳам хурсанд, одамлар ҳам.
- Тингланг ,"Шарқ бозори" қуйламоқда.

Шундай айтиладиган қўшиқ бор. Бу қўшиқни ўтган шанба куни Паркентсой ёқасидаги "Хисарак" жамоа хўжалигининг ўйингоҳида хушовоз хонанда Ҳамроз Қосимов куйлаганда тепаликлар жаранглади, дарахтлар остидаги ўриндиқларга жойлашган томошабинларнинг қалбида титроқ уйғонди. Ҳа, "Хисарак"да ҳаяжонли спорт байрами бўлди. Мамлакатимиз Президенти Исломжон Каримов Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларни ҳар томонлама баркамол, юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бир қатор фармонлар қабул қилдики, бу оламшумул аҳамиятга эга бўлган фармонлар халқимиз дилидаги армонлар эди. "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, спортни ривожлантириш тўғрисидаги фармонлар шулар жумласидандир. Паркент туман ҳокими Туроп Холтоев ана шу фармонларни бажариш мақсадида туман ҳудудида ҳар ҳафтанинг шанба кунини спорт байрами деб белгилаш ҳамда шу кунлари мусобақадош хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар ўртоқлик учрашувлари ўтказишлари учун фармон чиқарди.

— Энг муҳими, биз туман ёшлари ўртасида ким кучли, кимда истеъдод бор, шуни билишимиз ҳам керак, — дейди Т. Холтоев. — Ахир, офтоб поймол ўлмас, каваклар қолмас ой нури, дея бежиз айтишмайди. Спорт байрамида нафақат спортчилар, балки сўз усталари, санъаткорлар ҳам сараланади, натижада вилоят мусобақаларида иштирок этиш учун Паркент туман жамоасига муносиб номзодлар танлаб олиш осонлашади.

"Хисарак" билан "Гулбоғ" жамоа хўжаликлари учрашувини 40 мингга яқин томошабинлар кўришди. Спортнинг олти тури бўйича "Гулбоғ" ғолиб келди. И. Тўраев, М. Мираҳмедов, Д. Рўзиев, Жамол ва Камол Тўраевлар каби полвонлар, акаука Шуҳрат, Ғайрат, Ҳусниддин Абдувоҳидовлардек тош кўтарувчилар ҳамда ҳисараклик арқон тортувчилар ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Гулбоғлик катта ашула ижрочиси Қобил Маҳкамов ҳам тилга тушди."Шарқ бозори"болалар фольклор-этнографик гуруҳининг Паркентсойдек шўх болалари қадимий унутилган қўшиқларни жонли тарзда ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Биз учрашув чоғида "Хисарак"да рўй берган янгиликлар хусусида жамоа хўжалик раиси Икром Асиловдан гапириб беришларини сўрадик.

— 40 ишчига мўлжалланган тикувчилик, 30 ишчи ўринли бетон ғишт (шлакоблок), пойабзал тикиш тармоқлари очилди. Ёшларни иш билан таъминлашни янада яхшилаш учун мебель тармоғи, жувозхона, виночилик, намат босиш, мева қуритиш таянчларини ишга тушираяпмиз. Шу билан бир қаторда ҳар бир раҳбар спортнинг қайсидир тури бўйича ҳам ўзи шуғулланади, ҳам бошқаларни жалб қилади. Ўзим футбол, волейбол ўйнайман, арқон тортиш, тош кўтаришга ҳам қатнашавераман, атрофдагилар ҳам раҳбардан ўрнак олади, — дейди у.

Дарҳақиқат, Паркентдаги спорт байрами бир куни келиб юртдошларимизга оддий ҳол бўлиб туюлар, лекин ҳозирча ўрнак олса, тажриба ўрганса арзийдиган тадбир. Шу тахлитдаги спорт мусобақаларини бутун республикамиз жамоа хўжаликлари,ташкилотлари ўртасида ҳам ташкил этилса, бугунги озгина қийинчиликлар қувонч билан алмашиб сезилмай қолиши ҳам шубҳасиз. Ахир, спорт билан шуғулланган инсон учун унча-бунча оғирлик билинмайди, айниқса ғолиб чиқилса нур устига аъло нур. Енгилганлар ҳам "йиқилган курашдан тўймас", деганларидек, ўзларини тарбиялашарди.

Хуллас, энг қизиғи, ҳисараклик йигитларнинг курашдан, тош кўтаришдан, волейболдан ютқазганлари аламига ҳисараклик чаққон қизлар масофали югуриш беллашувида ғолиб келишди. Ўйингоҳ узра яна "Одамлар, бекорга яшаманг дунёда!" қўшиғи янгради. Томошабинлар эса ўз қишлоқларининг бўлажак Руфат Рисқиев, Ҳожимуқон, Алпомишу Ойбарчинлари ҳақида суҳбатлаша-суҳбатлаша, баҳслаша-баҳслаша тарқалишди.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ, "Туркистон" мухбири.

ФУТБОЛ

БИР ОЙЛИК ҲАЯЖОН

Бугун футбол мухлислари уйқуга тўймагани аник. Бу ёги бир ой шу аҳвол. Не тонгким, ҳеч ким бу ҳолдан нолимайди. Ярим тунгача телеэкран каршисида ўтириб чиққан, яна 30 кун (агар бир йил бўлса, бир йил) телевизорга михланиб ўтиришни ният қилиб қўйган ҳакикий мухлисга бу уйқусизликлар фақат ҳузур бағишлайди. Футбол — спорт, шу билан бирга, футбол — санъат.

Кеча Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳридаги "Солже Филд" стадионида XV жаҳон чемпионатининг байроги кўтарилди. Тантанали очилиш маросимидан сўнг "яшил майдон"га охирги жаҳон чемпионатининг ғолиби Олмония терма жамоаси ва Боливия футболчилари тушишди. Икки хил футбол мактаби, турфа ўйинлар... Дарҳақиқат бу чемпионат ҳар қачонгидан ҳам қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Чунки АҚШга келиш насиб қилмаган Англия (футбол ватани), Франция, Дания, Уругвай ва Португалия каби дунёнинг кучли жамоаларисиз бўладиган ўйинларда янги номлар, янги юлдузлар кашф қилиниши аник. Лекин, АҚШда бу кўчага "адашиб" кириб колганлар йўк. Ҳар бир гурухда, ҳар бир ўйинда кескинлик ва муросасизлик устивор бўлиши аён. Иштирокчиларнинг гурухлар бўйича рўйхатига кўз ташлаб, бунга яна бир бор амин бўламиз.

А гуруҳи: АҚШ, Швейцария, Колумбия, Руминия;

Б гуруҳи: Бразилия, Россия, Камерун, Швеция;

В гуруҳи: Олмония, Боливия, Испания, Жанубий Курия;

Г гуруҳи: Аргентина, Греция, Нигерия, Болгария ;

Д гуруҳи: Италия, Ирландия, Норвегия, Мексика;

Е гуруҳи: Бельгия, Марокаш; Голландия, Саудия Арабистони.

Чемпионатгача жамоаларнинг ўйини, имкони, тайёргарлигини ўрганиб чиққан футбол мутахассислари медаллар учун бахс асосан бешта жамоа ўртасида бўлишини тахмин қилмоқдалар. Уларнинг фикрича Италия, Бразилия, Олмония, Аргентина ва Голландия терма жамоаларининг "кўринишлари" бошқаларникидан яхши экан. Бизнингча ҳам шундай. Яна ким билади. Футбол — мўъжизаларга бой. Кутилмаган натижалар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Кеча Олмония — Боливия учрашувидан ташқари Испания — Жанубий Курия ўйини ҳам бўлиб ўтди. Бизнинг ўзбекистонлик футбол мухлислари озми-кўпми Россия терма жамоасига ён босишлари аник. Чунки шу пайтгача ўрганиб колганимиз бўлса, яна бир томони бу гал Россия таркибида тошкентлик собиқ "Пахтакор"чи Андрей Пятницкий ҳам тўп суради. Амрико Пятницкийни кашф қилиши мумкин. Ҳозир Андрей жуда яхши спорт формасида. Хуллас, Россия терма жамоаси 29 июнь куни Бразилия билан, 24 июнда эса Швеция билан ва 28 июнь кунида Камерун билан учрашади. Гурухлар ичида энг кучлиси ҳам айнан В гуруҳи, деб топилди. Умуман, гурухларда саралаш ўйинлари 30 июнгача давом этади. Сўнг 2 июлдан 5 июлгача 1/8, 9-10 июль кунлари 1/4 финал учрашувлари АҚШнинг тўккиз шаҳрида бўлиб ўтади. 13 июль куни эса ярим финал бахсларида икки финалчи аникланади.

Лос — Анжелесдаги "Роуз Боул" стадиони 17 июль куни финал ўйинининг гувоҳи бўлади.

Бир ой давомида АҚШ стадионларида 52 учрашув ўтказилади. Шуни мамнуният билан мухлисларга маълум киламизки, Ўзбекистон телевидениеси имкон қадар ишкибозларни мамнун қилмоқчи. Бу масала кўпчиликни қизиқтираётгани аник. Дастур бўйича Россия телевидениеси оркали, сўнг кўрсатувлар олиб борилиши тўхтагач, Ўзбекистон дастурида ўйинлар бериб борилади.

Тўрт йилда бир бор келадиган катта футбол байрамининг бу галги мезбони АҚШ терма жамоаси, маълумки, саралаш ўйинларисиз тўғридан-тўғри биринчилик учрашувларига кўйилди. Агар саралаш ўйинларида иштирок этганида АҚШ жамоаси финал мусобақаларига чиқа олармиди? Саволни шу йўсин қўйсак, жавобига иккиланиб қолардик, албатта. Чунки АҚШ спорти ҳар томонлама ривожланган бўлса-да, футбол у даражада оммалашмаган. АҚШ футбол жамоасини ўртаҳол ўйин кўрсатувчилар тоифасига қўшиш тўғрироқ бўларди. Амрикода донгдор стадионлар, уларда томошабинлар учун яхши шароитлар мавжуд бўлса-да, машҳур футболчи ёки жамоа йўқ ҳисоб. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган теннис бўйича Президент кубоги ҳалқаро мусобақасининг ғолиби АҚШлик Чак Адамсга "Мамлакатингизда бўладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатини бориб кўриш ниятингиз борми?", деган саволга унинг берган жавоби изоҳга ҳожат қолдирмайди. Адамс шундай деган эди: "Бизда футболга қизикиш баланд эмас. Тўғри, унинг ишкибозлари ҳам бор, лекин футболни ҳакикий севувчилар жуда оз. Мен ўйинларни бориб кўрмасам керак".

Мана сизга амриколик теннисчининг гапи. Биз Адамсни айбламоқчи эмасмиз. У ҳам очигини айтди. Бирок, бизнинг Ўзбекистонда бирортасига шу саволни бериб кўринг, шартта қўлингизга ёпишади, қани, олиб бор мени, деб. Бизда футболни шундай севишади. Стадион ўйидан бир қадам бўлган Чак Адамс ва унинг юртдошларида футбол кўришга хоҳиш йўк. Эх, амриколиклар...

Лекин, барибир Амрико халки бировни уялтириб кўядиган халк эмас. Ўзи футбо'лни севмаса-да, уни севувчи миллионлаб мухлисларни кўнгилдагидек қилиб катта футбол байрамини ўтказиб беришларига шубҳа йўк.

Нодир МАҲМУДОВ,
"Туркистон" мухбири.

Шеърият

Қамбар ОТА

ПАЙДО БЎЛАР ИЛОҲИЙ БИР КУЧ

СЕВГИ ШАРТИ

Қудратлисан, қодирсан севги,
Сенсан — ҳаёт, эзгулик, ният.
Жон аямас — ботирсан севги.
Сен безавол энг зўр кашфиёт.
Бу дунёда топилмас асло
Сенга дардни ёрмаган кимса.
Ҳатто қўлга тутганлар асо
Ўтар сени бир умр қўмсаб.
Покизасан туйғулар ичра,
Авлодлардан қадимий мерос.
Севги кўзи тортмагай хира,
Ишққа мангу саждаю ихлос!

Афсонавор ботиб умидга
Арзин қизга қилганда аён,
Халқни севган ул қиз йигитга
Дил шартини қилибди баён:
— Севгингизни қилгайсиз исбот,
Ғайрат билан шимаргайсиз енг.
Мен розиман, топинг бир неъмат,
Ҳар жиҳатдан бўлсин нонга тенг.

Қиз шартини бажармоқ учун
Дунё кезиб изланар йигит.
Сарфлар бутун иқтидор, кучин,
Олға чорлар севги ва умид.
Йиллар ўтар. Топар кўп дон-дун.
Тенг келолмас нонга ҳеч бири.
Армон билан дунёдан бир кун
Ёрга етмай сўнар тақдири.

Маъшуқага етар бу хабар.
Дили куйиб, тутар у мотам.
Ич-ичидан бўзлайди зор-зор,
Энди йўқдир қадрли одам.
Талпинади хилхона томон,
Кўз ёш тўкар: "Мени ҳам гўр, ич!"
Тупроққа ёш тўкилган замон
Пайдо бўлар илоҳий бир куч:

Кўз ёш ичра кўтаради бош
Ошиқ йигит Шолининг рухи.
Майса бўлиб ура бошлар жўш
Муҳаббатнинг мангулик туғи.
Шундан бери ўсади шоли,
Ва қиз бўлиб оқланар — гурич.
Бу севгининг йўқдир заволи,
Мангу ҳаёт бир илоҳий куч!
Бир вужудда иккя ном яшар:
Шоли — ошиқ йигитнинг номи.
Ёр деб гўрга киришга тайёр —
Гурич — содиқ қизнинг каломи.

Шундан бери эл ичра азиз,
Ҳар бир уйда гурич ғамланар.
Ошиқларнинг рухига ҳаргиз
Ошиқона палов дамланар.
Садоқатнинг таоми палов
Дастурхонда нондай қадрли.

Икки қалбда ёнган бир олов —
Севги деган — жондай қадрли.
Кўз ёш ичра ўсади шоли,
Кўз ёш ичра қайнайди гурич.
Икки қалбнинг севги тимсоли
Халққа берар илоҳий бир куч.

Уйга меҳмон келганда кулиб,
Дўст йигилса — ёнади олов.
Дўстлик, севги тимсоли бўлиб
Лаззат тўлиб пишади палов.
Севганида қизлар қўяр шарт,
Бўлсин дейди халққа бир неъмат.
Севганини кўрмоқ бўлар мард,
Ватанига истар зўр ният.
Ўзбекона севги кўп содда.
Ошиқ пайтим қиз қўйганда шарт,
Бажармасам шартни ҳаётда
Ўлдирарди мени ҳам бу дард.

1994 йил — Оила йили

Миллий қадрият ва урф-одатлар, анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш ҳайрли самара бериши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти олимлари бу эзгу йўналишга алоҳида эътибор бераётир. Яқинда Мукимий номидаги Давлат мусиқий театри биносида факультетлараро "Қайнонам — жоним онам" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

"Кўрик-танлов менда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирларни талаба-ёшлар ўртасида тез-тез ўтказилиб турилиши жуда муҳим.

Бу талабаларнинг санъатга, адабиётга муҳаббатини, миллий қадриятларга эҳтиромини шакллантириб қолмай, азалий удумларимиз моҳиятини англаб етишга ҳам хизмат қилади.

"Қайнонам — жоним онам" талаба-қизларимизни, бўлажак келинларни турмушга тайёрлаш хизматини ҳам ўтайди.Халқимизнинг шундай чиройли урф-одатлари борлигидан, улар ёш авлод шуурига сингиб бораётганидан мамнунман".

Янгича анъаналар

"ҚАЙНОНАМ — ЖОНИМ ОНАМ"

- *ТУРМУШГА ШАЙМИСИЗ, ҚИЗАЛОҚ?*
- *БЎЛАЖАК КЕЛИНЧАК САБОҒИ БУ!*
- *"ОЛТИН ДАВР" ЖИЛОСИ.*

Марҳамат КОМИЛОВА,
мактабгача тарбия факультети талабаси.

"Талабалик — олтин даврим" деб бежиз айтишмаган. Талабалик даврида ниҳол қуёшга интилиб ўсаётгани каби ёшлар ҳам маърифатга интиладилар. Улар ўсиб-улғайишни ва ҳар томонлама камол топишни истайдилар. Талабалик даврида олинган сабоқ, келгуси ҳаётда бир йўриқ сифатида асқотади. "Қайнонам — жоним онам" шу маънода муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Халқимизнинг "етти ўлчаб, бир кес" деган мақолига яраша иш қилишда бу сабоқ хайрли натижа бериши тайин".

Озода БЕКЖОНОВА,
тарих факультети талабаси.

"Мен "Қайнонали келин — қарқара келин,

Қайнонасиз келин — масхара келин" халқ мақолини эзъозлайман. Бу мақол заминида халқимизда неча юз минг йиллар давомида қайнона ва келин ўртасидаги ижобий ва салбий муносабатлари акс этади. Мен қайнонани она деб ҳисоблайман.

"Қайнонасиз келин—масхара келин" деганларидек, уйда маслаҳат берувчи бўлмаган тақдирда айрим келинчаклар ҳаётда адашиб элга масхара бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам қайнонали уй файзли ва баракали бўлади деб ўйлайман.

"Қайнонам — жоним онам" ана шу ҳақиқатларни англаб етишга хизмат қилади".

Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,
дефектология факультети талабаси.

Қизларимиз айтганидек, тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар хосиласи келажакни безаб туради. Агар сиз педагогика институти талабаларининг 70 фоизидан кўпроғи қизлар эканлигини назардан қочирмасангиз, факультетлараро бўлиб ўтаётган "Ҳаёт — она алласидан бошланади", "Она эртаги — тарбия куртаги", "Қайнонам — жоним онам" каби кўриклар қизларимизни катта ҳаётга тайёрлаб қолмасдан миллий қадриятларимизнинг ўз жилоларини топишига ҳам таъсир кўрсатаётир.

Масалан: "Ҳаёт—она алласидан бошланади" танловида талаба қизларимизнинг турли ҳудудларда айтиладиган юзлаб миллий аллалардан ташқари қозоқ, тожик, қирғиз, татар хатто рус ва корейс миллати куйлаган, бир қадар унут бўлган она аллаларини топишди ва ижро этишди. Гарчи бир-биридан фарқланласада турли вилоятларда одат тусига кирган чақалоқни бешикка белаш, сочқи сочиш ва унинг қулоғига азон айтиш, шунингдек, чақалоққа исм қўйиш ва бошқа расм-русмлар намойиш этилди.

"Она эртаги — тарбия куртаги" танловини моҳият эътибори билан шу тадбирнинг давоми деб айтиш мумкин. Чунки, бу танловда эсини таниб қолаётган болалар тарбиясига дахлдор эртаклар етакчи ўрин тутади. Институт талабалари халқ орасида яшаб келаётган эртакларни йиғиб уларни сахнада намойиш этар экан, болаларнинг тарбиясида бу жуда муҳим ўрин тутишини чуқур ҳис этганликларига шубҳа йўқ.

Шарқда фарзанд тарбиясида ибратли ҳикматларнинг мавқеи баланд. Шунинг учун ҳам азалдан болаларга ҳикоялар айтиб беришган, эртаклар эса ҳаётнинг моҳиятини идрок этишда катта аҳамият касб этган.

"Қайнонам — жоним онам" танлови миллий удумларнинг янгича жило касб этишида, қизларимизни ҳаётга тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Танлов келин туширишдан олдинги ва кейинги жараён билан боғлиқ миллий урф-одатларни ҳаётга сингдиришга хизмат қилади. Шуни айтиш керакки, танлов бир неча босқичларда ўтказилди ва унда институтнинг деярли аксарият талаба-қизлари иштирок этишди. Нихоят, яқинда бўлиб ўтган танлов якунида мусиқа ва физика факультетларидан иборат командалар ғолиб чиқишди.

— Бу танловлар таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда бизга жуда катта имконият туғдириб бермоқда, — дейди институт ректори, профессор Комил Юсупов. — Институт рахбарияти Ёшлар Иттифоқи қўмитаси рахбарлигида истиқлол ёшларини ҳаётий талабларга жавоб берадиган даражада тарбиялаш ниятида яна катор тадбирларни режалаштирган. Бу янгича анъаналар йигит-қизларимизни илму фанга, ватанга мухаббат рухида тарбиялайди. Улуғ аждодлар, улар амалга оширган ишлар, тарихга эҳтиром, миллий урф-одатларни эъзозлаш ҳаётга файз киритади. Фарзандларимиз дилида шундай мунаввар туйғуларни уйғота олсак, у хайрли мевалар беришига шубҳа қилиш мумкинми?!

Мухаммадмурод ТОШТЕМИРОВ.
институт Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби.
Умида ҚАЮМОВА.

"ФУТБОЛ" ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Машқ жавобларини топиб шаклдаги рақамли хонадан "занжир" ҳолида ёзиш билан ҳал этинг.

1. Саксонинчи йиллар футбол юлдузи, моҳир тўпурар. 2. Футбол бўйича жаҳоннинг икки бор ғолиби. 3. Франция терма жамоасида ўйнаган ҳимоячи. 4. Халқаро спорт ўйинлари. 5. Мехикодаги йирик футбол майдони. 6. Халқаро футбол федерацияси. 7. Бразилия терма жамоаси ярим ҳимоячиси. 8. 1978 йилги биринчилик совриндорларидан бўлган Голландия командаси ҳужумчиси. 9. Футбол соврини. 10. Аргентиналик тўпурар ўйинчи. 11. XIV жаҳон биринчилигининг энг кўп тўп киритган футболчиси. 12. Жаҳоннинг уч бор чемпиони бўлган мамлакат. 13. Дунё чемпионатида энг кўп маротаба иштирок этган дарвозабон.

14. АҚШда бўлиб ўтадиган ўйинларда қатнашадиган Оврупо мамлакатларидан бири. 15. Дунёнинг илк чемпиони, моҳир дарвозабон. 16. XV футбол чемпионати бўлиб ўтадиган шаҳарлардан бири. 17. Австрия терма жамоаси футболчиси. 18. Пеле ўйнаган команда. 19. Чили терма жамоасида кўп бор майдонга тушган футболчи. 20. АҚШнинг Детройт шаҳридаги стадион номи. 21. Бу йилги чемпионатда қатнашадиган Африка мамлакати. 22. Англиялик машҳур дарвозабон. 23. Собиқ СССР терма жамоаси сардори сифатида икки бор жаҳон биринчилигида иштирок этган футболчи. 24. Ғарбий Олмония терма жамоаси ярим ҳимоячиси. 25. Футбол анжоми. 26. 1930 йил биринчи футбол чемпионати бўлиб ўтган Монтевидеодаги стадион. 27. Сан-Францискодаги футбол иншооти. 28. Тенг натижа билан тугалланган ўйин.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.



Диққат, диққат!

СПОРТ-БАШОРАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ҲАМЗА ТУМАНИ ҚЎМИТАСИ ТАЪСИСЛАГАН БОШ СОВРИННИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Ҳамза туман қўмитаси АҚШда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатига бағишланган спорт-башорат танловини ўтказади.

Ўзбекистон ЁИ Ҳамза туман қўмитаси Сизлардан қуйидаги 3 та саволга жавоб беришингизни сўрайди:

1. Футбол бўйича Жаҳон чемпионатида ярим финал ўйинининг 4 та жамоасини айтинг.

2. Жаҳон чемпионатининг финал ўйинларида тўп сурувчи иккита жамоани айтинг.

3. Қайси жамоа футбол бўйича Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлади? Шунингдек 3-ўринни эгалловчи жамоани ҳам айтинг.

Жавобларингизни 25 июнга қадар юборишингизни сўраймиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Содиқ Азимов кўчаси, (собиқ Жуковский,) 52 а ўй, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Ҳамза туман қўмитаси.

Саволларга қуйидаги телефонлар оркали жавоб беришингиз ҳам мумкин: 33-82-18 (соат 9.00—18.00) якшанбадан ташқари.

33-58-48 (кечаю-кундуз)

Учта саволга тўлиқ жавоб берган киши Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Ҳамза туман қўмитаси таъсислаган бош соврин:

1 миллион сўм-купон билан тақдирланади;
II ўринга — биллур ваза;
III-ўринга — 100 000 сўм-купон.
ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ.

Келгуси сонда:

- **Сиз кутган учрашув: Насиба Абдуллаева.**
- **Футбол: илк тахминлар.**

Газета саҳифаланаётганда

НАЗОРАТ КУЧАЯДИ

Наманганда гўшт маҳсулотлари билан савдо қилишда тартиб ўрнатила бошланди. Шаҳар ҳокимининг фармойишига биноан гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотилаётган жойларнинг ўзида қатъий санитария-эпидемиология ва ветеринария назорати ўрнатилади.

Бундан буён махсус рухсатномаси бўлмаган кишиларнинг гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилиши таъқиқланади. Кабоб ва гўштдан бошқа таом тайёрлайдиган ошхона ва кафеларнинг қатъий рўйхати тузиб чиқилди. Хусусий шахсларнинг турли-туман колбаса маҳсулотлари сотишига ҳам чек қўйилади.

Бу қатъий, бирок зарур чоралар юкумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган. Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш санитария, ветеринария хизматлари ва солиқ инспекцияси зиммасига юкланган. Қоидабузарларга катта миқдорда жарима солинади.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ
Туркистон • TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700001, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусҳада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьтерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.

1 2 3 4 5 6.